



**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

4 (82) 2020



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

4 (82) 2020

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**



БОШ МУҲАРРИР:

академик

**Ботир
СУЛАЙМОНОВ**

**Бош муҳаррир
ўринбосарлари:**
профессор

**Камолиддин
СУЛТОНОВ**

профессор

**Лазизахон
ГАФУРОВА**

қ.х.ф. доктори
Махсуд АДИЛОВ

Ижрочи директор:
Бахтиёр НУРМАТОВ

Муҳаррир:
**Денислам
АЛИМКУЛОВ**

Журнал 2000 йил апрель
ойида ташкил топган.
Бир йилда 6 марта чоп
этилади.

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 2,
ТошДАУ
Тел: (+99871) 260-44-95.
Факс: 260-38-60.

E-mail:
nurmatovbaxtivor868@gmail.com
Мақолада келтирилган факт
ва рақамлар учун муаллифлар
жавобгардир.

**4 (82)
2020 йил**

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Тахрир хайъати:

А.А. Абдуллаев – академик,
И.А. Абдурахманов – профессор,
А.А. Аманов – профессор,
Х.Н. Атабаева – профессор,
Х.Ч. Бўриев – профессор,
И.И. Васенев – профессор (Россия)
С.С. Гулямов – академик,
Р.Д. Дусмуратов – профессор,
В.И. Зуев – профессор,
А.К. Кайимов – профессор,
Х.Х. Кимсанбаев – профессор,
Л.С. Кучкарова – профессор,
М.А. Мазиров – профессор (Россия)
А.М. Мухаммадиев – профессор,
Р.С. Назаров – профессор,
У.Н. Носиров – профессор,
Т.Э. Остонокулов – профессор,
Ш.Н. Нурматов – профессор,
С.Я. Исломов – профессор,
М.Т. Ташиболтаев – профессор,
Ш.Ж. Тешаев – профессор,
Т.Ф. Фармонов – профессор,
Б.О. Хасанов – профессор,
Э.А. Холмуродов – профессор,
Н.С. Хушматов – профессор,
У.П. Умурзаков – профессор,
А.А. Абдувасиков – доцент

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.
Тошкент давлат аграр университети.
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.
Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.
Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**





Эргашев О.Р. Ғўзанинг <i>G.Hirsutum L.</i> тури янги навида хўжалик белгиларининг шаклланиши ва барқарорлашуви.....	96
Исраилов М.Ж., Муратов Г.А., Бобоев С.Г., Муратов А. Ғўзани диаллель чапиштиришнинг тўлиқ схемаси асосида олинган F ₂ дурагай авлод ўсимликларини шох поя бўйлари билан морфо-биологик белгилари орасидаги боғлиқликлар	99
Шеримбетов А.Г., Намазов Ш.Н., Рузметов Д.Р. Янги оддий ва мураккаб дурагай комбинацияларнинг патоген микромицетларга <i>Fusarium oxysporum F.Sp.Vasinfectedum</i> инокуляция усули орқали чидамлилигини аниқлаш.....	102
Якубов М.М., Рашидова Д.К. Уруғчилик фермер хўжаликларидида суперэлита ва репродукция уруғларини етиштириш.....	107
Келдиярова Г.Ф., Маджидова Т.Р. Состояние и эффективность пыле-газоочистных установок в производстве строительных материалов.....	110
Арамов М.Х., Наджиев Ж.Н., Тўракулов Ж.Ш., Норсаидова З.Ж. Помидорнинг штамбсимон, транспортбоп, бўртма нематодасига чидамли гетерозисли биринчи авлод дурагайлари.....	112

Тупроқшунослик ва агрокимё

Турдиметов Ш.М., Абдужалилова О.Х. Мирзачўл воҳаси тупроқлари физик-кимёвий хоссаларининг ўзгариши.....	116
Асилова Д.С., Касимов Б.С. Озуқа муҳитига қараб соянинг озик элементларига бўлган талаби ва олиб чиқиб кетиши	119
Хасанова Ф.М., Карабаев И.Т., Шавкатова З.Ш. Тупроққа ишлов беришни унинг агрофизик хоссалари ва экинлар ҳосилдорлигига таъсири.....	121
Файзиёв А.А., Атабаев М.М., Касимов Б.С. Тупроқ унумдорлигини сақлашнинг муқобил стратегиясини аниқлашда марков занжирини қўлланилиши.....	124
Аскарходжаев Н.А., Гафурова Л.А., Аскарходжаева А.Н., Эргашева О.Х. Пахрадинова Н.С. Қаттиқ маиший чикиндиларни тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида вермикюльтивация усули билан самарали қайта ишлаш.....	127
Разаков А.М. Ўзбекистонда тарақалган сур тусли кўнғир тупроқларни фашиал-географик ва морфогенетик хусусиятлари.....	130
Сандова М.Э. Қорақалпоғистон республикаси суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида фенолоксидаза ферментлари фаоллиги.....	135

Мевачилик ва сабзавотчилик

Джаббаров З.А. Нок наваларида куртак пайванднинг тутиши, ривожланиши, сифатли кўчат чикиши учун пайвандлашнинг энг қулай муддати ва пайвандтагнинг таъсири.....	140
Назаров А.М., Хакимов Р.Х. Республикамизда хурмо меваларини сақлаш ва қайта ишлашнинг технологик усулларини тақомиллаштириш.....	144
Енилеев Н.Ш., Алимова Д.И. Мевали боғда олхўри барглариининг шохлар шакли ва экиш зичлигига боғлиқ ҳолда фотосинтетик маҳсулдорлиги.....	146
Нарматов С., Мирзасолиев М., Шокиров А. Пиёзни такрорий экин сифатида кўчатидан етиштириш учун наваларини танлаш.....	150
Нормуратов И.Т., Очилов М., Намозов И.Ч. Унабининг интодукция қилинган навларини кўчатзор шароитида ўсиши ва ривожланиши.....	155
Намозов И.Ч., Нормуратов И.Т. Интенсив олма боғларидаги дарахтларнинг экиш схемаларини ҳосилдорлик ва мевалар сифатига таъсири.....	157
Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Такрорий экинда окбош қарам етиштириш учун қулай экиш схемалари.....	159
Одинаев М. И., Балласов Б.М. Ўзбекистон шароитида узумнинг йирик ғужумли майизбоп навларини қуритишнинг ресурстежамкор усуллари.....	161
Қодиров У.А., Арамов М.Х., Нурматов Н.Ж. Ўзбекистон жануби шароитида бош пиёз уруғини тезлаштирилган усулда олиш.....	164
Султонов К., Намозов И.Ч., Турсунова М.М., Якубов Ш. Интенсив боғлар учун паст бўйли пайвандтагларда олма кўчатини етиштириш технологияси.....	166
Турсунова М.М., Намозов И.Ч., Якубов Ш., Махмудова Н. Интенсив олма боғларидаги дарахтларнинг экиш схемаларини ҳосилдорлик ва мевалар сифатига таъсири.....	169

Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш

Алижанов Д., Жуматов Я.К., Едилбаев У.Д. Озуқабоп ўсимликлар пояларининг эгилишга қаршилиги.....	172
Алимова З.Х., Холиқова Н.А., Темиркулова Н.М. Йўл қурилиш техникаси гидротизимларида ишлатиладиган мойларнинг хусусиятларини яхшилаш.....	176
Ғанибоева Э.М., Абдурахмонов Ш.Х. “Claas” компанияси тракторларида қўлланиладиган мотор мойларининг асосий хоссалари.....	178
Боқиев А.А., Ботиров А.Н., Тошматов С.А. Қишлоқ хўжалик тракторларини электр ва занжирли резина юритмага ўтказиш.....	181

Зоотехния ва ветеринария

Куччиев О.Р., Холматов А., Мамадиев О.А. Турли генотипдаги қора-ола зотли сигирлар елинининг функционал хусусиятлари	185
--	-----



4	Температура застывания, °С	-35	-33	-30 ÷ -42	ГОСТ 20287
5	Содержание воды	следы	-	следы	ГОСТ 2477
6	Содержание механических примесей, %	0,011	0,008	не более 0,015	ГОСТ 6370
7	Щелочное число, мг КОН на 1г масла	2,5	4	2,5 ÷ 5,5	ГОСТ 11362

ЗАКЛЮЧЕНИЕ.

Результаты лабораторных исследований показал, что добавление ДЦ-7 к базовому маслу МГ-30 дал улучшенный результат по сравнению с маслами применяемые для сельскохозяйственной техники МГ-30. Ввиду жестких условий работы масла для гидромеханических передач должны обладать соответствующими вязкостными и противоизносными свойствами. Из результатов сопоставления видно, что

эксплуатационные свойства полученного образца гидравлического масла намного превышает отечественного МГ-30 и соответствует нормам по ГОСТу. В этом состоит эффективность возможного применения, полученного нами нового образца. В дальнейшем эти масла могут быть допущены на следующий этап – к эксплуатационным испытаниям на специальной технике.

Литература

1. Кириченко Н.Б. Автомобильные эксплуатационные материалы Учебное пособие для сред.проф.образования – М.: Из.Центр «Академия», 2012г.
2. Данилов В.Ф. и др. Масла, смазки и специальные жидкости. Учебное пособие–Елабуга: изд-во филиала К (П) ФУ.2013. – 216 с.
3. Магеррамов А.М., Ахмедова Р.А., Ахмедова Н.Ф. Нефтехимия и нефтепереработка. Учебник для высших учебных заведений. Баку: Издательство «Баку Университети», 2009, 660 с.

Алимова З.Х., Холиқова Н.А., Темиркулова Н.М.

Йўл қурилиш техникаси гидротизимларида ишлатиладиган мойларнинг хусусиятларини яхшилаш

Мақолада йўл қурилиши техникаси гидротизимларида фойдаланиладиган мойларнинг хусусиятлари ва уларни яхшилаш йўллари кўриб чиқилган. Ўрганишлар натижасида ДЦ-7 дитиофосфат асосидаги кўшилма ёрдамида мойнинг хоссалари яхшилангани аниқланган ва улардан фойдаланиш бўйича тавсия берилган.

Калит сўзлар: *Гидравлик тизимлар, мойларнинг сифатини яхшилаш, металлларнинг каталитик таъсири, фосфор таркибидаги қўшимчалар, гидравлик мойларнинг физик-кимёвий хоссаси, олтингурутга углеводород радикалларининг қўшилиши.*

Alimova Z.X., Kholiqova N.A., Temirqulova N.M.

Improving the properties of oils used in hydraulic systems for road construction equipment

The article discusses the properties of oils used in hydraulic systems for road construction equipment and ways to improve them. The results of laboratory studies of oils with an additive based on zinc dithiophosphate DC-7 and recommendations for their use are presented.

Keywords: *Hydraulic systems, improving the quality of oils, the catalytic effect of metals, phosphorus containing additives, the physicochemical property of hydraulic oils, the addition of hydrocarbon radicals to sulfur.*

УДК: 621.315.615.21

ГАНИБОЕВА Э.М., АБДУРАХМОНОВ Ш.Х.

“CLAAS” КОМПАНИЯСИ ТРАКТОРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МОТОР МОЙЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

Мақолада “CLAAS” компанияси тракторларида фойдаланиладиган мотор мойлари тўғрисида маълумотлар ва уларни алмаштириш муддати даврида унинг бошланғич ковшоқлигини ўзгариш динамикалари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: *қовушқоқлик, универсал мой, SAE мойлари, API гуруҳ, кучайтирилган, мавсум, ишқаланиш, жуфтлар, ейишиш, турбонадуд, динамика, механик аралашмалар, сорт, мой, ишлатилган газлар, қартер.*

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ 2020 № 4 (82)



“CLAAS” компанияси тракторларида Американинг SAE ва ASTM жамиятлари томонидан тасдиқланган мотор мойлари қўлланилади. Бундай мойлар Республикамиз кишлок хўжалиги техникаларида биринчи мартаба қўлланилаётганлиги сабабли, уларга қисқача тавсиф бериб ўтиш лозим.

SAE мойлари қовушоклик ва эксплуатацион

хоссалари билан баҳоланади. Бу мойлар двигателнинг ишлаш мавсумига кўра бир нечта қовушоклик синфларига бўлинади. SAE классификацияси 5W, 10W, 15W ва 20W синфидаги мойлар учун -18°C ва 100°C ҳароратлардаги, 20, 30, 40 ва 50 синфидаги мойлар учун эса фақат 100°C ҳароратдаги қовушоклик кўрсаткичларини белгилайди (1-жадвал).

1-жадвал

SAE бўйича мотор мойларининг қовушоклик синфлари

SAE синфи	18 °Cдаги динамик қовушоклик, мм ² /с	100 °C даги кинематик қовушоклиги, мм ² /с	
		минимал	максимал
5W	1250 гача	3,8	-
10W	1250 дан 2500 гача	4,1	-
15W	2500 дан 5000 гача	5,6	-
20W	5000 дан 10000 гача	5,6	-
20	-	5,6	9,3 гача
30	-	9,3	12,5 гача
40	-	12,5	16,3 гача
50	-	16,3	21,9 гача

Жадвалда келтирилган SAEнинг классификацияси мойнинг оқувчанлигидан ташқари ҳеч қандай маълумот бермайди [1]. Двигателни мойлаш учун маълум бир гуруҳдаги ёки универсал мойлар ишлатилиши мумкин. Қовушокликнинг ҳарорат тавсифига биноан бир гуруҳдаги мойлар SAE бўйича ўзининг қовушоклик синфига мос келади. Мойнинг қовушоклиги иш шароити ва ҳаво ҳароратига қараб танланиши лозим. Масалан, Ўрта

Осиё шароитида ёзда SAE 30, кишда эса SAE 20W ёки SAE 10W мойлари қўлланилиши мумкин. Шу билан бир қаторда SAE 10W-30, SAE 15W-40 каби универсал мойлар ҳам мавжуд, яъни SAE 10W-30 мойи -18°C да қовушоклиги 10 бўлиб, 100°C да эса SAE 30 мойининг қовушоклигига тенг бўлади. SAE синфидаги асосий мотор мойларининг ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ишлатилиш соҳаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

SAE мойларининг ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ишлатилиш соҳаси

Мой маркази	Ҳаво ҳарорати, °C
SAE 10W	- 20 дан +10 гача
SAE 20W-20	- 5 дан +20 гача
SAE 30	0 дан +30 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 5W- 20	-35 дан 0 гача
SAE 5W- 30	-35 дан +10 гача
SAE 10W-30	- 30 дан +10 гача
SAE 10W-40	- 20 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 10W-50	- 20 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 15W-40	-25 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 15W-50	- 25 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 20W-40	0 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда
SAE 20W-50	0 дан + 40 гача ва ундан юқори ҳароратларда

Америка нефть институти (API) томонидан қўйилган талабга биноан мойлар двигателнинг иш шароитига мос бўлиши шарт [1]. API классификацияси бўйича мойлар ишлаш шароити дизель двигателлари учун С (Commercial) гуруҳларига бўлинади. API классификацияси двигателнинг ишлаб чиқилган йили ва мой таркибидаги қўшимчалар миқдори бўйича мойлар дизель двигателлари учун CA, CB, CC, CD, CE ва CF гуруҳларига бўлинади.

API гуруҳлари мамлакатимизда кўп йиллардан бери қўлланилиб келинаётган мотор мойларини двигателнинг кучайтирилганлигига қараб бўлинган А, Б, В, Г, Д ва Е гуруҳларига тўғри келади.

Республикамизда хориздан келтирилган тракторларда асосан API нинг CE, CF, CD ва CC гуруҳларидаги мойлар ишлатилиш тавсия этилган [1].


“DPS6/TI” двигателларида CE ва CF гуруҳидаги мойлар ишлатилса унинг алмаштириш муддати 250 мото-соатни ташкил этади, агар CD ва CC гуруҳидаги мойлар қўлланилса, унинг алмаштириш муддати 2 мартага камаяди ва 125 мото-соатни ташкил этади. ARION-630C тракторларига ўрнатилган бундай русумли двигателларда қовушоклиги бўйича SAE 40 (мавсумий) ёки SAE 15W-40 (универсал) мойлари ишлатилади. Маълумки, бу мойлар Республикамизда ишлаб чиқилмайди, улар четдан олиб келинади, 1 литрининг нархи эса 3-4 Америка долларини ташкил этади [2].

Бизга маълумки, қовушоклик хусусияти мойнинг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, “DPS6/TI” двигателларида ҳамма мавсумда SAE 15W/40, яъни 100°C ҳароратдаги



кинематик қовушоқлик ўртача $14 \text{ мм}^2 / \text{с}$ (сСт) ни ташкил қилади. Двигателнинг асосий ейилиши 2/3 қисми двигателни ишга тушириш пайтига тўғри келади. Бунга асосий сабаблардан бири паст ҳароратларда мойнинг қовушоқлиги юқори бўлиши ва ишқаланувчи жуфтлар оралиғига етиб

бормаслиғидадир. Профессор Н.П.Петров текширишларига қараганда ишқаланувчи жуфтлар орасидаги мой қатламининг қалинлиги мойнинг қовушоқлигига, тирсақли валнинг айланишлар сонига, подшипниклардаги юқламаларга ва ишқаланувчи сиртларнинг шакли ва ҳолатига боғлиқ [3].



1 - Сурхондарё вилояти; 2 - Фарғона вилояти; 3 - Тошкент вилояти
1- расм. CLAAS Agrimot SDX 15w-40 мотор мойнинг кинематик қовушоқлигининг иш муддатига боғлиқ ҳолда ўзгариши

Тирсақли валнинг айланишлар сони ва мойнинг қовушоқлиги қанчалик юқори бўлса вал билан подшипник оралиғидаги мой қалинлиги шунчалик юқори бўлади. Лекин мойнинг қовушоқлиги ҳаддан ташқари юқори бўлиши қувват сарфининг ошишига олиб келади [3]. Шу боисдан мойнинг қовушоқлигини танлаш катта аҳамиятга эга. 1-расмда мой кинематик қовушоқлигининг ишлаш вақтига нисбатан ўзгариш динамикаси келтирилган.

1-расмда келтирилган мой қовушоқлик кўрсаткичининг ишлаш муддатига боғлиқ ҳолда ўзгариши шунини кўрсатадики, двигател 220...250 мото-соат ишлагандан сўнг чегарадан чиқади ва алмаштирилиши лозим.

ARION 630C тракторининг “DPS6/TI” маркали двигатели турбонаддувли бўлиб, унда иссиқлик кучланиши кескин ортади ва мойнинг ишлаш шароити қийинлашади. Айниқса, ишлатилган газларнинг юқори босим остида картерга ўтиши ҳисобига поршеннинг устки қисмларида ҳарорат жуда юқори бўлиб, мойнинг куйишига олиб келиши мумкин.

Қовушоқлик ёнилғи сарфига ҳам таъсир қилади. Олиб борилган тадқиқотларга кўра паст қовушоқликдаги мойларни қўллаш ёнилғи сарфини 15-20% камайишига олиб келади. Ёзги сорт мойларни кишда қўллаш эса аксинча ёнилғи сарфининг 8-10%

ошишига сабаб бўлади [3].

Қовушоқлик кўрсаткичи доимий бўлмасдан ҳароратга ва унинг ишлаш муддатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Мойларни алмаштиришга қўйилган талабга кўра унинг бошланғич қовушоқлигидан 25% га ўзгарса мой двигателдан тўқиб олиниши керак. Бизга маълумки ҳар-хил гуруҳдаги мойлар қовушоқлигининг ўзгариш динамикаси турлича бўлади. Шу сабабли республикаимиз шароитида кенг қўлланилаётган ARION 630C тракторларига ўрнатилган “DPS6/TI” двигателида қўлланиладиган мойларнинг қовушоқлик кўрсаткичлари ўрганилди.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотлардан келиб чиқиб, мойни ишлаш даврида двигател ўртача 250 мото-соат ишлагандан сўнг механик аралашмалардан ва қисман сувдан тозалаш тавсия этилади. Бу ўз навбатида нафақат мойнинг иш муддатини, балки двигателнинг ҳам иш муддатини ошишига олиб келади.

2. ARION 630C тракторларига ўрнатилган “DPS6/TI” двигателида кучайтирилганлиги бўйича Д гуруҳидаги мойларни ишлатиш мумкин, агар Г ёки В гуруҳларидаги мойлар ишлатилса унинг иш муддати камаяди. Юқорида санаб ўтилган мойлар Ўрта Осиё иқлим шароитида алмаштириш даврийлиги бўйича синовдан ўтмаган бўлиб, ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

ТИҚХММИ

Адабиётлар

1. А.С.Полвонов, С.М.Бозоров, Қ.А.Шарипов ва бошқалар. “Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар” Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2003 й. ЎзФА “Фан” нашриёти. 27-32-б.
2. Мажидов А.Х., Шарипов К.А., Матякубов И.Х. “Камминз” двигатели мойини алмаштириш даври // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, № 3, 2000. 53-54 б.
3. Шарипов К.А. Новые технологические принципы регенерации отработанных моторных масел тракторов в условиях Республики Узбекистан. Дис... док. наук. ТИИМ, ТАДИ. 2004.- 301с.





4. Ёнилги мойлаш материаллари ва техник суюкликлар илмий-текшириш ООО PETRO TEST AVTO (Протокол испытаний №01-05-20 Наука).

Ганибоева Э.М., Абдурахмонов Ш.Х.

Аннотация

В статье приведены сведения о моторных маслах применяемых на тракторах компании “CLAAS” и результаты исследований по динамике изменения начальной вязкости масел в установленном сроке замены.

Ganiboeva E.M., Abduraxmonov Sh.X.

Main features of engine oils used in claas tractors

The article provides information on motor oils used on CLAAS tractors and the results of studies of the dynamics of changes in the initial viscosity of oils in a specified replacement period.

ЎУК: 621.331.

БОҚИЕВ А.А., БОТИРОВ А.Н., ТОШМАТОВ С.А.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТРАКТОРЛАРИНИ ЭЛЕКТР ВА ЗАНЖИРЛИ РЕЗИНА
ЮРИТМАГА ЎТКАЗИШ**

Қишлоқ хўжалигида энергиясамарадорликни таъминлашда мавжуд мобил техника воситаларини электр ва занжирли резина юритмага ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Мақолада тракторларини электр ва занжирли резина юритмага ўтказиш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасига асосан Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигига электр тракторларини жорий этишни комплекс ёндашув усули таклиф этилган.

Калит сўзлара: қишлоқ хўжалиги, самарадорлик, трактор, электр юритма, занжирли резина юритма, қайта тикланувчи энергия манбалари, мобил электростанция.

Қишлоқ хўжалигида энергиясамарадорликни таъминлашда мавжуд мобил техника воситаларини электр ва занжирли резина юритма (*гусеничный резиноармированные гусеницы*) га ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда агросаноат мажмуининг материал-техник базасини такомиллаштириш, айниқса қишлоқ хўжалиги учун замонавий, юқори унумли ва рақобатбардош техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга кейинги йилларда қабул қилинган қатор Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мисол бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, йиғиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва транспортировка қилиш бўйича кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига электр жиҳозлар кириб келмоқда. Айниқса бу борада электр тракторлари алоҳида ўрин тутади. Чунки, тадқиқотларга кўра, келажакда дизел ва бензинда ҳаракатланувчи техника воситалари ишлаб чиқаришдан буткул олинishi мумкин. 2025 йилдан

2040 йилгача бўлган ораликда ички ёнув двигателидан воз кечиш ҳақида Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия ҳукуматлари баёнот беришган. Ҳиндистон ҳукумати ҳам 2030 йилдан бошлаб барча автотранспорт воситаларини электромобилларга алмаштириш режасини муҳокама этмоқда. Юқоридагилардан хулоса шуки, яқин келажакда дунёдаги тўрт йирик бозорнинг учтаси — Ҳитой, Европа ва Япония ички ёнув двигателларига эга автомобиллар учун йўк бўлиши кутилмоқда.

Органик ёнилғида ишлайдиган тракторларнинг эксплуатациясида ишончлилик ва сифат кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатадиган дизель мотор, тезликни ростлаш қутиси, ёнилғи аппаратураси, совутиш тизими, орқа ва олдинги кўприклар, дифференциал каби конструктив қисмлари ҳисобланади. Айнан шу қимсларда нотўғри эксплуатация ёки бошқа сабаблар оқибатида ишдан чиқишлар содир бўлади. 1-расм.





Индекс 1020

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

№ 4 (82) 2020

Таъсисчилар: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази, Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти. Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали, Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

*Тошкент шаҳар матбуот бошқармаси томонидан
№ 02-0065 22.01.2007 йил рўйхатга олинган.*

Қишлоқ хўжалиги, биология ва техника соҳалари бўйича ОАК журналлари рўйхатига киритилган.

Мухаррир: Д. Алимкулов
Техник муҳаррир: Ш.Усмонова

Босишга рухсат этилди 25.08.2020. Бичими 84x108^{1/16}. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 13. Нашриёт-ҳисоб табоғи 12,8. Адади 300 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

ТошДАУ таҳририят-нашриёт бўлимининг RISOGRAPHN аппаратида чоп этилди.

Таҳририят манзили: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2, ТошДАУ.
Тел: (+99871) 260-44-95. Факс: 260-38-60.
E-mail: nurmatovbaxtiyor868@gmail.com

